



**METHODS OF TEACHING STUDENTS TO THINK INDEPENDENTLY IN
THE PROCESS OF LEARNING COMPUTER TECHNOLOGIES.**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10156454>

Abdukadirov Abduvahit Gapirovich

Fargona branch of TATU named after Muhammad Al-Khorazmi

ABSTRACT

This article investigates the method of dividing students into small creative groups in teaching computer technology. In this method, it was analyzed that the efficiency of assimilation of new knowledge is high based on the increase of creative activity of students.

Keywords

creative team, Microsoft Word, table, service

**КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЎРГАНИШ ЖАРАЁНИДА
ТАЛАБАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШ УСУЛЛАРИ.**

Абдукадиров Абдувахит Гапирович

Мухаммад Ал –Хоразмий номли ТАТУ Фаргона филиали

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада компьютер технологияларини ўқитишда талабаларни кичик ижодий гуруҳларга бўлиш усули тадқиқ қилинган. Бу усулда талабаларнинг ижодий фаоллиги ортиши асосида янги билимларни ўзлаштириш самарадорлиги юқори бўлиши таҳлил қилинган.

Калит сўзлар

ижодий гуруҳ, Microsoft Word, жадвал, сервис.

АННОТАЦИЯ

В этой статье исследованы методы разбиения студентов на малые творческие группы при их обучении компьютерным технологиям. Проанализированы достижения высокой эффективности усвоения новых знаний студентами в следствии творческой активности обучаемых.

Ключевые слова

творческая группа, Microsoft Word, таблица, сервис.



Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазибаларга мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга зарур шарт-шароитлар яратиш давлатимизнинг устувор мақсадидир. Энг катта бойлик - бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос - бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик - бу билимсизликдир! Шу сабабли ҳаммамиз учун илгор билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак. Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз шарт ва зарур [1].

Хозирги замонавий технологиялар кескин ривожланаётган вазиятда, иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда вужудга келаётган муаммоларни хал этилиши фанларни ўқитишни тубдан қайта кўришни, уни замонавий талаблар даражасига кўтаришни тақозо қилади.

Таълим жараени асосий формаси дарс бўлиб, унда дунёдаги энг мураккаб жараён шахнинг шакилланиш жараёни содир бўлади. Шунинг учун ҳамма турдаги дарсларнинг махсулдорлигини янги турдаги педагогик технологиялар ёрдамида орттириб бориш мухим ахамиятга эга. Талабаларнинг индивидуал - психологик хусусиятларини ҳисобга олиш, дарс жараёнида ҳамма учун ёқимли микроклимат ҳосил қилиб талабалар диққатини билим олишга эмоционал йўналтириш янги билимларни ўзлаштиришда механик ёдлаш ролини камайтиради.

Хозирги кундаги ишлаб чиқариш технологиялари махсулдорлигининг кескин ўсиб бориши, меҳнатни автоматлаштиришни юқори даражаси педагоглар зиммасига ёш кадрларни замонавий ахборотлар шиддатли оқимида тўғри мўлжал олишга ўргатиш, ижодий фаол ва ўз билимларини мустақил тўлдириб бора оладиган қилиб тарбиялаш каби мухим маъсулиятни юклайди.

Талабаларга информатика ва ахборот технологиялари фанларидан дарс бериш жараёнини шартли равишда уч кўринишга ажратиш мумкин : маъруза дарслари, амалиёт дарслари, лаборатория машғулоти. Дарсларнинг бошқа кўринишлари мухимлик даражасини ёдда тутган ҳолда лаборатория машғулоти таркили қилишнинг бази тажрибаларини таҳлил қиламиз.

Компьютер технологиялари бўйича назарий билимларини талабалар тадбиқий амалиётда қўллаш билиши кўникмаларини ҳосил қилиш янги ахборотни ўзлаштиришнинг ҳамма кўринишлари ишга туширилган лаборатория машғулоти ўтказиш жараёнида юқори махсулдорлик билан



амалга оширилади. Лаборатория машғулоти дарслари ўтказиш спецификаси ҳам ўқитувчидан ҳам талабадан олдиндан изчил тайергарлик кўришни талаб этади. Талабаларнинг мустақил олдиндан тайерланиши билан боғлиқ муаммоларни мавжуд бўлишига қарамасдан (талабаларнинг билим даражаси фарқ қилиши мумкин) айна лаборатория машғулотларини ўтказиш жараёнида талабалар учун ёқимли микроклимат яратиш , уларни эмоционал диққатини биргалашган ҳаракат билан янги билимлар олишга қаратиш мумкин.

Талабаларни ижодий фаоллигини ошириш мақсадида гуруҳ билан лаборатория машғулоти ўтказишни махсус услуби ишлаб чиқилди. Талабалар дарс бошида уч кишидан тўрт гуруҳга ажратилади. Ҳар бир талабага шартли равишда 1 дан 12 га қадар тартиб рақами мос кўйилади. Олдиндан ҳар бир гуруҳ учун лаборатория машғулотини бажаришга зарур кўргазмалар қуроллар, дарсликлар, ҳар бир талаба учун лаборатория машғулотини бажариш изчил баённомаси тайерлаб кўйилади .

Мисол тариқасида “Microsoft Word” мавзусидаги лаборатория машғулоти ўтказиш баённомалари келтирилди. Лаборатория машғулотини бошланишида талабалар олдиндан тайёрлаб кўйилган столларга қуйидаги тартибда ўтирадилар : стол №1 га тартиб рақамлари 1, 2, 3, 4 бўлган талабалар ўтирадилар, стол №2 да тартиб рақамлари 5, 6, 7, 8 ва стол №3 да тартиб рақамлари 9, 10, 11, 12 бўлган талабалар ишлайдилар. Ўқитувчи раҳбарлигида талабалар гуруҳлари ўзлари учун ажратилган иш столидаги лаборатория машғулотини бажариш босқичлари билан тубдан танишиб чиқадилар.

Тартиб рақами №1 иш столида Microsoft Word матн муҳаррири иш хусусиятлари билан таништирувчи лаборатория машғулоти тўлиқ йўлланмаси кўйилган бўлади. Бу лаборатория иши йўлланмасининг мавзуси “Microsoft Word матн муҳарририда жадваллардан фойдаланиш “ бўлиб унинг йўриқномаси тўлиқ келтирилади [2].

Тартиб рақами №2 иш столида Microsoft Word матн муҳарририда Сервис амалларидан фойдаланиш хусусиятлари билан таништирувчи лаборатория машғулоти тўлиқ йўлланмаси куйилган бўлади [3].

Тартиб рақами №3 иш столида Microsoft Word матн муҳаррири иш хусусиятлари билан таништирувчи лаборатория машғулоти тўлиқ йўлланмаси куйилган бўлади. Бу лаборатория иши йўлланмасининг мавзуси “Microsoft Word матн муҳарририда блоклар билан ишлаш“ бўлиб, у қуйидагича ифодаланиши мумкин:

Лаборатория машғулоти № 3



Ишдан кўзланган мақсад : талабаларда шрифтлар ва ранглар билан ишлаш малакасини ривожлантириш.

Лаборатория иши топшириқлари :

- 1) матн киритиш ;
- 2) тахрирлаш ;
- 3) алохида ибораларни блокларга ажратиш ;
- 4) текст рангини ўзгартириш ;
- 5) текст катталигини ўзгартириш;

Услубий йўлланма

Матн кўринишидаги ахборотни қайта ишлашнинг махсус усулларида фойдаланишда матн тула кўринишда еки унинг алохида қисмини, зарур бўлганда алохида ибора, суз ва хатто битта символни блок сифатида ажратиш мумкин. Буни икки хил усулда бажариш мумкин. Биринчи усулда сичконча ердамида курсор блокга олиниси зарур бўлган ибора чегарасига келтирилиб сичконча чап тугмаси босилган холда харакатлантирилади. Иккинчи усулда Shift тугмасини босган холда курсор -> тугмаси билан харакатлантирилади. Матн ажратилган қисми қора рангда буялганини курамиз. Ушбу холатда матн ажратилган қисми устида Формат еки Сервис менюсида курсатилган махсус амалларни бажариш мумкин. Масалан матн булаги блокга олингандан сунг Формат тугмасини босиб Шрифт - Размер амалларини танлаймиз ва фаол ойнада 48 рақамини танлаб ОК тугмасини босамиз. Танланган матн булагини кескин катта бўлгани кузатилади. Ажратилган матн булаги рангини тахрирлаш учун Формат - Шрифт - Цвет текста амалларини кетма-кет фаоллаштириб ихтиерий ранг танланади. Суз еки ажратилган иборада килинган тахрир бутун матн ҳамма қисмларида бажарилиши учун Сервис амалларидан фойдаланилади. Масалан бутун матн буйлаб "Олма" сузини "Анор" сузига алмаштириш талаб этилсин. Дастлаб "Олма" сузи блок каби ажратилади. Сунг Сервис - Автозамена амалларини танлаймиз ва фаол ойнада "Анор" сузини киритиб ОК тугмасини босамиз. Натижада матн ҳамма қисмида "Олма" сузи "Анор" сузига алмашиб қолади.

Лаборатория машғулоти топшириқлари :

- 1) берилган саҳифадаги матнни киритинг ;
- 2) киритилган матн хаммасини Arial - 14 шрифтига ўтказинг ;
- 3) охирги жумлани блок сифатида ажратинг ;
- 4) биринчи гап рангини қизилга ўзгартиринг ;
- 5) иккинчи гап катталигини 26 шрифтга ўзгартиринг ;
- 6) матндаги ҳамма нуқталарни нуқта-вергулга алмаштиринг .



Ўқитувчи талабаларнинг лаборатория машғулотларини бажаришга тайергарлигини текширгандан сунг талабалар лаборатория машғулоти вазифаларини кетма - кет бажарадилар, асосий натижаларга доир хулосаларни дафтарларига ёзиб борадилар.

Лаборатория машғулоти топшириқларини бажариш учун ажратилган вақт тугаганидан сунг ўқитувчи янги ишчи гуруҳларини куйидаги тартибда куради : стол №1 га тартиб рақамлари 1, 5, 9 бўлган талабалар, стол №2 га тартиб рақамлари 2, 6, 10 талабалар, стол №3 га тартиб рақамлари 3, 7, 11 бўлган талабалар ўтирадилар, стол №4 атрофида эса тартиб рақамлари 4, 8, 12 бўлган талабалар ишлайдилар. Лаборатория машғулоти вазифаларини бажариш давомида ҳосил қилинган кўникмалар, янгиликларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш босқичига ўтилади. Бунда ҳар бир талаба ўз столида ўртоқларига қилинган иш ҳақида батафсил маълумот беради, кўшимча саволларга жавоб қайтаради. Таҳлил қилиш жараёни тугаганидан сунг ўқитувчи учта лаборатория иши ҳамма топшириқлари бўйича тест назорати ёки ёзма иш кўринишида фронтал назорат иши ўтказилади. Бунда талабаларнинг тўла ўзлаштириши ўртоқларининг янги билимларни қандай ўзлаштиргани ва сўзлаб бергани билан бевосита боғлиқ. Масалан иккинчи ижодий гуруҳда №2 иш столида 6 рақам билан иш бажарган талабанинг №1 ва №3 лаборатория ишлари бўйича ўзлаштириши тартиб рақамлари 2 ва 10 бўлган талабаларни янги билимларни қандай тушинтира билгани билан бевосита боғлиқдир. Шундай қилиб ҳар бир талабанинг янги билимларни ўзлаштириши ва демак назорат иши натижалари талабалар жамоаси умум фаолияти билан узвий боғлиқ бўлади, масалан янгидан ташкил этилган иш гуруҳидаги столда талабанинг ўртоқларига ўзи ўзлаштирган билимларни қандай тушинтира билишига боғлиқ бўлади.

Назорат натижаларини таҳлил қилиб ўқитувчи янги билимларни қониқарли ўзлаштирмаган талабаларни аниқлайди ва уларга кўшимча машғулотлар тайинлайди. Кўшимча машғулотда талаба барча топшириқларни мустақил бажариб қисқа хулосалар ёзади ва ўқитувчига сўзлаб беради. Шундан сунг ўқитувчи кўшимча назорат ўтказилади.

Лаборатория машғулотларини бундай услубда ўтказишда талабаларни янги билимларни муваффақиятли ўзлаштириши лаборатория машғулотида қатнашган ҳар бир талабанинг ижодий фаоллиги билан боғлиқ бўлиб ҳар бир талабада маъсулият ҳиссини орттиради. Талабалар томонидан лаборатория машғулоти вазифалари ва олинган натижаларни бундай услубда таҳлил қилинишида ҳамма талабалар янги билимларни жамоа бўлиб



ўзлаштираётган фаол гуруҳга ҳар бир талаба эса ҳам эшитувчи, ҳам сўзловчи фаол иштирокчига айланади.

1. Шавкат Мирзиёев ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ. – Тошкент “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. 464 бет. (24 бетдан олинди)
2. Tsang, Cheryl. Microsoft: First Generation. New York: John Wiley & Sons, Inc. ISBN 0-471-33206-2.
3. Дэн Гукин. Word 2010 для чайников = Word 2010 for Dummies. – М.: «Диалектика», 2010. – С. 352. – ISBN 978-5-8459-1681-5.